Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 13 октябрь 1973 йил, шанба ◆ №242 (15.716). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бугун Тошкентда республика ёш маккажўхорикорларининг слёти очилади.

Слёт қатнашчиларига алангали салом!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

12 октябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XII пленуми бўлди. Пленумга шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари, шунингдек область партия комитетларининг идеология иши масалалари билан шуғулланувчи секретарлари таклиф этилди.

Пленумнинг кун тартиби:

1. Пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини йиғиб-териб олишни ва тайёрлашни кучайтириш ҳамда Совет Иттифоқидаги пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг ўртоқ Л. И. Брежнев қатнашган йиғилишида қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришни тезлаштириш чоралари тўғрисида.

2. КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида халқ маорифини янада такомиллаштириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари.

3. Республика партия ташкилотида партия ҳужжатларини алмаштиришнинг бориши тўғрисида.

Пленумда биринчи масала юзасидан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойибов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. И. Иброҳимов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари В. Н. Қодиров, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Муродов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Қ. А. Аҳмедов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Х. Худойберганов доклад қилдилар.

Пленум кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов доклад қилди. Ўзбекистон ССР маориф министри С. Шермуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунартехника таълими давлат комитети раиси П. Қаюмов, олий ва ўрта махсус таълим министри Ғ. Абдурахмонов қўшимча доклад қилдилар.

Иккинчи масалани муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари К. Ризаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, «Узколхозстрой» раиси С. А. Омеров, Қўрғонтепа район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Исмоилов қатнашдилар.

Республика партия ташкилотида партия ҳужжатларини алмаштиришнинг бориши тўғрисида пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Г. М. Орлов ахборот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини йиғиб-териб олишни ва тайёрлашни кучайтириш ҳамда Совет Иттифоқидаги пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг ўртоқ Л. И. Брежнев қатнашган йиғилишида қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришни тезлаштириш чоралари тўғрисида

Пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини йиғиб-териб олишни ва тайёрлашни кучайтириш ҳамда Совет Иттифоқидаги пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг ўртоқ Л. И. Брежнев қатнашган йиғилишида қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришни тезлаштириш чоралари тўғрисида область партия комитетларининг биринчи секретарлари: Тошкент областидан—ўртоқ М. М. Мусахонов, Қорақалпоғистондан — ўртоқ Қ. К Камолов, Андижон областидан — ўртоқ Б. Р. Раҳимов, Бухоро областидан — ўртоқ Қ. М. Муртазоев, Қашқадарё областидан ўртоқ Р. Ғ. Ғойибов, Наманган областидан — ўртоқ М. И. Иброҳимов, Самарқанд областидан — ўртоқ В. Н. Қодиров, Сурхондарё областидан ўртоқ Н. М. Муродов, Сирдарё областидан — ўртоқ Қ. А. Аҳмедов; Фарғона областидан ўртоқ Ф. Ш. Шамсиддинов, Хоразм областидан — ўртоқ М. Х. Худойбергановнинг докладларини тинглаб, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми шуни қайд қиладики, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлганлиги, Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги орденини топширганлиги, Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунистик қурилиш муштарак ишига қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берганлиги республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат ғайратини мисли кўрилмаган даражада кучайтириб юборди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали қўшма мажлисида, пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг йиғилишида ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқларида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ва хусусан, Совет пахтачилигини янада ривожлантиришнинг туб вазифалари қўйилди, қимматли маслаҳатлар ва кўрсатмалар берилди. Буларнинг ҳаммасини Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари пахтакор республикаларнинг экономикасини ва маданиятини юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида партиямиз, унинг Марказий Комитети томонидан қилинаётган янги ғамхўрлик ифодаси деб қабул қилдилар.

Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу ғамхўрликка фидокорона меҳнат билан жавоб бермоқдалар. Республикада беш йиллик учинчи ҳал қилувчи йилнинг юксак социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилмоқда. Давлатга дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум ва пилла сотиш халқ хўжалик планлари бажарилди. Гўшт, сут, тухум, жун ҳамда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Республика пахтакорлари ва барча меҳнаткашларининг бутун фикри-зикри мўл ҳосилни нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олишдан иборат бўлиб қолди. Пахта теримининг тугалловчи босқичи бошланмоқда. 3 миллион 500 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрлаб қўйилди. Пахта тайёрлаш планини Андижон области хўжаликлари 95 процент, Сирдарё области 91 процент, Қашқадарё области 91 процент, Сурхондарё области 88 процент бажариб қўйди. Пахта териш техникаси муваффақиятли ишлатилмоқда. 1,9 миллион тонна пахта машиналар ёрдамида териб олинди. Сирдарё, Наманган ва Андижон областлари пахтани машинада териш планини бажариб бўлдилар.

Шу билан бирга пленум бир қанча областларда, кўпгина районларда пахта териш сўрғаларини етарли эмас, пахта териш техникасидан тузук фойдаланилмаётир, пахтани қўлда териш учун одамлар кам жалб қилинган, деб ҳисоблайди.

Самарқанд, Бухоро, Хоразм областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг хўжаликлари, шунингдек республиканинг бир қанча районлари пахта тайёрлашда орқада қолмоқда.

Айрим областлар ва районларда бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини йиғиштириб олишни тезлаштириш тўғрисида лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилинмаётир, шоли ўриш сўрғаларини етарли эмас. ем-хашак тайёрлаш, уни чорва моллари қишлайдиган жойларга элтиб қўйиш айрим жойларда тугалланган эмас. Шудгор қилиш ишларини кучайтириш, дон экиладиган ерларни ҳайдаб қўйишни ва кузги дон экишни кучайтириш талаб қилинади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми **қарор қилади.**

1. Пахтани ҳамда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини йиғиб-териб олишни ва тайёрлашни кучайтириш ҳамда пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг йиғилишида қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришни тезлаштириш борасида кўрилаётган чоралар тўғрисида область партия комитетларининг биринчи секретарлари берган ҳисоботлар маъқуллансин. Пахтани ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини йиғиб-териб олиш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш мажбуриятларини бажариш, келгуси йил ҳосили учун кузги ишларни тезлаштириш: чорва қишловига тайёргарлик кўриш ишларини кучайтирмоқ учун партия ташкилотлари барча зарур чораларни кўраётганликлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Пахтакор республикаларнинг партия-хўжалик активи йиғилишида беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида Ватанга камида 4 миллион 850 минг тонна пахта берамиз, деб олинган ошириб берилган мажбуриятларни бажарибгина қолмасдан, шу билан бирга ортиқ билан ҳам бажариш учун етиштирилган пахта ҳосилининг ҳаммасини қисқа муддатларда териб олиб, давлатга сотиш республика партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг, республика колхозлари ва совхозларининг биринчи даражадаги вазифаси деб ҳисоблансин.

Мана шу бош вазифани бажармоқ учун партия комитетлари, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари йиғим-терим ишларини юксак даражада уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлашлари лозим. Мавжуд пахта териш техникасининг ҳаммасидан тўла фойдаланишга алоҳида эътибор берилсин, машиналарнинг икки смена бўлиб ишлаши ташкил этилсин, механизаторларнинг юксак даражада унумли ишлашлари, ҳар бир хўжаликнинг пахтани машинада териш мажбуриятларини бажариши, шу тариқа бутун республикада камида икки ярим миллион тонна пахтани машинада териб олишни таъминлаш учун механизаторларга бутун шарт-шароит яратиб берилсин.

Ёнингарчилик бошланиб, кетмасдан ҳосилни тезроқ териб олиш, айниқса пахтани машинада терилган далаларда тўкилиб қолган пахтани йиғиб-териб олиш мақсадида пахта териш учун ишга яроқли қишлоқ аҳолисини мумкин қадар кўпроқ тортиш, шунингдек район марказларидан, ишчи посёлкалари ва шаҳарлардан колхоз ва совхозларга ёрдам уюштириб пахта теришда ишлаётган кишиларнинг умумий сонини 1 миллион 700 минг кишига етказиш, шу жумладан, Қорақалпоғистон АССРда 100 минг кишига, Андижон областида 200 минг кишига, Бухоро областида 160 минг кишига, Қашқадарё областида 150 минг кишига, Наманган областида 160 минг кишига, Самарқанд областида 200 минг кишига, Сурхондарё областида 130 минг кишига, Сирдарё областида 140 минг кишига, Тошкент областида 165 минг кишига, Фарғона областида 200 минг кишига, Хоразм областида 130 минг кишига етказиш зарур.

Ҳар бир колхоз ва совхозда пахтакорларнинг ва барча қишлоқ меҳнатчиларининг маданий-маиший шароити яхшилансин, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш учун, беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилини меҳнатда катта муваффақиятлар билан нишонлаш учун ўлар орасида умумхалқ социалистик мусобақаси авж олдирилсин.

Область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги пахта заводларининг ва пахта тайёрлаш пунктларининг ишини пухта ташкил этсинлар, пахтани узлуксиз қабул қилиб олишни, тегишли равишда сақлаш ва қайта ишлашни, мамлакатнинг тўқимачилик корхоналарига юқори сифатли толани ўз вақтида етказиб бериб туришни таъминласинлар.

3. Область ва район партия комитетлари, колхозлар ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва раҳбарлари, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари маккажўхори ва шолини йиғиб-териб олишни, давлатга дон етказиб бериш топшириқларини бажаришни яқин кунлар ичида тугалламоқ учун қўшимча зарур чора ва тадбирларни кўрсинлар.

Картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш, шу маҳсулотларни тайёрлаш мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда умумиттифоқ фондига етказиб бериш ва қиш учун ғамлаб қўйиш таъминлансин.

Чорва моллари боқиб семиртириш ва парвариш қилиш ишлари анча яхшилансин, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш бўйича олинган социалистик мажбуриятларни бажарибгина қолмасдан, шу билан бирга ошириб бажаришни ҳам таъминламоқ учун гўшт, сут, тухум ва жун тайёрлаш сўрғаларини тезлаштирилсин.

Ем-хашак тайёрлаш, уни чорва моллари қишлайдиган жойларга элтиб қўйиш ва молларга бериш учун тегишли равишда ҳозирлаб қўйиш ишлари кучайтирилсин. Дағал хашак, сенаж ва силос тайёрлаш планларини бажармаган битта ҳам хўжалик қолмаслигини таъминлаш чораларини кўриш зарур.

4. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, матбуот, радио ва телевидение қишлоқда оммавий сиёсий ишларни кучайтиришлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб-териб олишда, маҳсулот тайёрлашни ташкил этишда ишлаётган илғорлар тажрибасини, пропаганда қилишни кенг авж олдиришлари, қамчиликларни топиш ва тугатишда колхозлар ва совхозларга ёрдам беришлари керак.

5. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида ва Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги орденини топшириш вақтидаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқларида республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада жадал ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлаб чиққан тадбирлар маъқуллансин.

Партиянинг ғамхўрлигига жавобан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида тагин ҳам яхшироқ, активроқ меҳнат қилаверадилар, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришадилар, давлатга пахта, дон, сабзавот, мева, узум, гўшт, сут ҳамда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар, кузги-қишки дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб бажарадилар, чорва молларини қиш билан тўйдириб боқиш чора-тадбирларини кўриб қўядилар ва шу тариқа келгуси йилда тагин ҳам каттароқ ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқ учун мустаҳкам замин яратадилар, деб Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, УЗСОВПРОФ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети мамлакатдаги пахтакор республикаларнинг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирок қилган партия-хўжалик активи йиғилиши пахта етиштиришни янада кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш ва уни йиғиб-териб олишни жадаллаштириш соҳасида қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун пахта ҳосилдорлиги ва пахтани машинада териб олиш соҳасида юксак кўрсаткичларга эришганларга доимий сақлаш мақсадида топшириш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқларини таъсис этдилар:

— ҳар гектар ердан 30 центнер ва ундан кўп пахта ҳосили олган Қорақалпоғистон АССР ва областларга, 35 центнердан ортиқ ҳосил олган районларга;

— пахта ҳосилини машиналарда териб олишда 70 ва ундан кўпроқ процентга эришган Қорақалпоғистон АССР ва областларга ҳамда ялпи ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғини машиналарда териб олишга эришган районларга;

— Қизил байроқлар билан мукофотланган Қорақалпоғистон АССР ва областларга пахта етиштириш ва унинг ҳосилини териб олиш илғорларига сотиш ҳамда мукофотлаш учун айни бир вақтда 10 та юк автомобили, 6 та енгил автомобиль ва 10 минг сўмдан пул, районларга 2 тадан юк автомобили, 3 тадан енгил автомобиль ҳамда 4 минг сўмдан пул ажратилади.

— Область ва район партия комитетларига қишлоқ меҳнаткашлари орасида ташкилотчилик ишлари ва снёсий ишларни кучайтириш, пахта етиштириш, ҳосилдорлиги кўпайтириш учун ҳамда ҳосилни машиналарда териб олиш даражасини ошириш учун, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш вазифаси топширилди.

Республика газеталари ва маҳаллий газеталарнинг редакцияларига республика мўл ҳосил уста лари ва илғор механизаторларнинг иш тажрибасини кенг пропаганда қилиш топширилди.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 12 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада бир кунда	Шу жумладан машинада мавсум бошидан
Андижон	1,68	94,96	3,31	104,93
Қашқадарё	1,69	91,30	1,65	74,64
Сирдарё	2,71	91,29	3,29	112,25
Сурхондарё	1,84	87,57	1,86	86,45
Тошкент	2,68	83,29	3,03	91,84
Наманган	1,98	80,00	3,21	107,75
Фарғона	1,61	76,38	3,81	76,03
Хоразм	2,02	69,56	2,65	47,59
ҚҚ АССР	2,40	69,15	3,27	59,90
Бухоро	1,60	63,25	2,30	63,08
Самарқанд	2,67	61,61	4,68	78,66
Республика бўйича:	2,07	79,01	3,08	85,00
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,44	70,07		
Қашқадарё	1,79	63,20		
Бухоро	0,68	17,86		
Республика бўйича:	1,46	64,10		

МАШИНА ТЕРИМИ ҲИСОБИГА

ОҚҚЎРҒОН, (Телефон орқали). Ленин орденли «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтакорлари зафар қучдилар. Давлат омборларига 12.700 тонна ўрнига 13.000 тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар бункеридан тўкилди.

Совхоз заршунослари эл хирмонига яна 4 минг тонна «оқ олтин» тўкиб, ҳосилдорликни гектар бошига 42 центнерга, ялпи хирмонни 17.000 тоннага етказишга қарор қилдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш умумиттифоқ машинасозлик министрлигини тузди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ К. Н. БЕЛЯКНИ СССР ЧОРВАЧИЛИК ВА ОЗУҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАШИНАСОЗЛИГИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Константин Никитович **БЕЛЯК** СССР чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министри қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил, 11 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ХАЛҚ МАОРИФИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми «КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида халқ маорифини янада такомиллаштириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ О. У. Салимовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, мамнуният билан шуни қайд қиладики, Коммунистик партиянинг доимий диққат-эътибори ва ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда халқ маорифининг жуда кенг системаси вужудга келтирилди, юксак даражада ўқимишли, ҳар томонлама ривожланган, гоявий эътиқодли, жисмоний соғлом кишилар — коммунистик жамиятнинг актив қурувчиларини тайёрлаш вазифаси изчиллик билан ҳал этилмоқда.

Ишларга умумий ўрта таълим беришга ўтишни тугаллаш ва умумий таълим мактабини янада ривожлантириш тўғрисида, ҳунар-техника ва олий таълим системасини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ умумий таълим мактабини янада яхшилаш чоралари тўғрисида кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қабул қилган қарорлари, халқ маорифи тўғрисида СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларининг асослари СССР Олий Советининг VI сессиясида қабул қилинганлиги ғоят катта аҳамиятга эга бўлди.

Халқ маорифи бўғинларини комплекс ривожлантиришнинг ва такомиллаштиришнинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган кенг программасини амалга ошириш йўлида Ўзбекистонда катта иш қилинди.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида ишлаб турган меҳнаткашларнинг 66 проценти олий ҳамда тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга. Республикада олий маълумотли 292 минг мутахассис ва ўрта махсус маълумотли 355 минг мутахассис бор. Олий ва махсус маълумотли мутахассислар сони фақат кейинги ўн йилнинг ўзидагина қарийб икки ярим баравар кўпайди. Шу вақт ичида олий ўқув юртлари тайёрлаб бераётган мутахассислар 2.7 баравар ва техникумларни битириб чиқаётган мутахассислар 3,4 баравар кўпайди.

Болаларни мактабгача тарбиялаш муассасалари йилдан йилга кўпаймоқда, уларда олиб борилаётган ишлар яхшиланмоқда, мактабларда, билим юртларида, техникумларда ва олий ўқув юртларида таълим-тарбия ишларининг даражаси ошиб бормоқда, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланмоқда. Ўтган 8 йил ичида болалар боғчаларида ва ясли-ларида тарбияланувчилар сони 2,5 баравар кўпайди, 1 миллион 458 минг ўринли мактаблар қурилди, янги 96 та ҳунар-техника билим юртлари ташкил этилди, 73 та янги техникум ва 8 та олий ўқув юрти очилди, олий ва ўрта малакали 500 мингга яқин мутахассис ҳамда 300 минг нафардан кўпроқ малакали ишчи тайёрланди ва ўқишларни битириб чиқди.

Ўқувчилар ва студент ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш сифати яхшиланмоқда, бу иш турмуш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан тобора мустаҳкам боғланмоқда. Ўқув юртларини битириб чиқаётганларнинг катта кўпчилиги яхши билимдон, партияга ғоявий содиқ, меҳнатсевар, интернационализм руҳида тарбияланган, ўзларининг бутун кучларини, ғайратларини социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлашга сарфлашга тайёр бўлиб турган кишилардир.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР партия ва совет органларининг, министрликлар ва идоралларнинг халқ маорифига раҳбарлик қилиш фаолиятида ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Бундай камчиликлар аввало халқ маорифи системасининг бошланғич бўғинига — мактабгача тарбия муассасаларига қилинаётган раҳбарликда рўй бермоқда. Уларнинг кўплари болаларни тарбиялаш, мактабда ўқишга тайёрлаш вазифаларинқ ҳали ҳам яхши уддалаётганлари йўқ. Республикада мактабгача тарбия муассасаларини кўпайтириш ва кенгайтириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилмаётир.

Умумий таълим мактабларининг, айниқса қишлоқ мактабларининг ишида жиддий камчиликлар ва нуқсонлар ҳали ҳам кўп.

Муаллимлар ва ўқитувчиларни, шунингдек халқ маорифи системасининг раҳбар кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда камчиликлар бор.

Ўқув юртларининг моддий базасини ривожлантириш сust бормоқда. Очилиши планлаштириб қўйилган 23 та ҳунар-техника билим юртидан фақат 13 таси ишга туширилди. Мактаблар қуриш айниқса қишлоқ жойларда қониқарсиз бормоқда. Техникумлар ва олий ўқув юртларига қуриш планлари йилдан-йилга бажарилмасдан келаётир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, республика министрликлари ва идоралари ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни янада яхшилаш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмаётганликлари, партия ва ҳукуматнинг халқ маорифи масалаларига доир қарорларини бажариш борасида ташкилотчилик ишларини етарли равишда олиб бормаётганликлари халқ маорифини ривожлантиришдаги камчиликларнинг рўй беришига кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблайди. Ўқув юртларининг раҳбар кадрларини сифат жиҳатидан танлаш айрим ҳолларда етарли равишда таъминланмаётир, халқ маорифи бўлимларининг, мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг, техникумларнинг ва олий ўқув юртларининг раҳбарларига нисбатан таълим-тарбия ишларининг аҳволи учун талабчанлик ҳали ҳам паст.

Ўқув юртларидаги кўпгина бошланғич партия ташкилотлари маъмуриятнинг фаолиятини дуруст контроль қилмаётирлар, педагогик коллективлар ҳаётидаги энг муҳим, актуал проблемаларни муҳокамага камдан-кам қўймоқдалар ва шу тариқа ўқув юртларининг ишига лозим даражада таъсир ўтказмаётирлар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Республика экономикасини, фани ва маданиятини ривожлантириш, ижтимоий тараққиёт ва фан-техника тараққиёти, ёшларга умумий ўрта таълим беришга ўтишни ушбу беш йилликда тугаллаш, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун малакали ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш талабларига мувофиқ умумий ўрта, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий таълимни янада такомиллаштиришга қаратилган чора ва тадбирларни начиллик билан амалга ошириш республика партия ташкилотининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Республика партия, совет органлари, олий ва ўрта махсус таълим, маориф, соғлиқни сақлаш министрликлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети, ўзининг ўқув юртлари бўлган министрликлар ва идоралар ёшларни ўқитиш ва тарбиялашдаги камчиликларни тугатишга доир зарур чораларни амалга оширишда партия ва ҳукуматнинг халқ маорифи масалаларига доир қарорларининг, шунингдек СССР Олий Советининг «СССРда халқ маорифининг аҳволи ҳамда умумий ўрта, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий таълимни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 1973 йил 19 июлдаги қарорининг бажарилиши устидан контроллиқни кучайтирсинлар.

3. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, республика министрликлари ва идоралари, халқ маорифи органлари:

— болаларни мактабгача тарбиялашга эътиборни кучайтирсинлар, болалар боғчалари ва ясли-ларнинг ишини тубдан яхшиласинлар, мактабгача тарбия муассасаларига доимий ёрдам бериш ишида корхоналар, қурилишлар, совхозлар, колхозлар ва бошқа ташкилотлар кенг жамоатчилигининг актив иштирок қилишига эришсинлар;

— умумий таълим мактабининг иш сифатини оширсинлар, уни коммунистик қурилишнинг янги вазифаларига, фан-техника тараққиёти талабларига мувофиқ ҳолга келтирсинлар. Қишлоқ мактабининг фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилсин. Ишларни умумий ўрта таълимга тўла равишда тортиш чоралари кўрилсин, кечки (сменали) ва сиртқи мактабларнинг иши кескин равишда яхшилансин, ишлаб турган ёшларнинг ўқишини тугаллашлари учун барча зарур шароит яратиб берилсин, ўрта маълумотга эга бўлмаган ҳар бир ёш меҳнаткашнинг кечки мактабда ёки техникумда ўқишига эришилсин. Бунинг учун, аввало, ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари жавобгар бўлишлари лозим.

4. Республиканинг партия ва совет органлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети, республика министрликлари ва идоралари ҳунар-техника билим юртларини ривожлантириш суръатларини янада тезлаштириш ва уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш учун қўшимча чоралар кўрсинлар, ҳунар-техника таълимининг обрўйини кўтарсинлар, барча билим юртларининг ишларини яхшиласинлар, ишчи кадрлар тайёрлаш сифатини муттасил такомиллаштираверсинлар.

5. Республиканинг олий ва ўрта махсус таълим, маориф, соғлиқни сақлаш министрликлари, бошқа министрликлар ва идоралар олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарларига нисбатан талабчанликни оширсинлар, ўқитиш сифатини ҳар доим яхшилайверсинлар. Мамлакатдаги етакчи олий ўқув юртларининг ўқитиш жараёнини студентларнинг илмий-тадқиқот ишларини бажаришлари билан узвий равишда қўшиб олиб бориш борасидаги ижобий тажрибаларидан кенг фойдаланилсин.

6. Ўзбекистон ССР госплани, республика министрликлари ва идоралари халқ хўжалик тармоқларининг ўрта ва олий малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини аниқласинлар, олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлашда мақсадга энг мувофиқ нисбатни белгилаб қўйсинлар, фан ва техниканинг янги ва перспективали йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни кенгайтирсинлар, дипломли мутахассислардан ихтисослари бўйича фойдаланмасликка йўл қўймасинлар.

7. Олий ва ўрта махсус таълим, маориф, соғлиқни сақлаш министрликлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети, ўзларининг ўқув юртлари бўлган министрликлар ва идоралар:

— ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ҳар доим такомиллаштириб ўқитиш билан коммунистик руҳда тарбиялашнинг бирлигини таъминласинлар. Ёшлар билан ишлашда уларни революцион ва меҳнат анъаналари руҳида, партия ва Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат, интернационализм, совет халқларининг дўстлиги ва қардошлиги ғоялари руҳида муваффақиятли равишда тарбиялашга алоҳида эътибор берсинлар. Шу мақсадда ёшларга идеологик таъсир ўтказишнинг ҳамма формалари ва воситаларидан кенг фойдаланилсин, ижтимоий фанларни, рус тили ва адабиётини ўқитиш сифати яхшиласин, ўқувчилар ва студент ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш учун барча муаллимларнинг роли ва масъулияти оширилсин.

— муаллимлар ва илмий-педагог ходимларнинг профессионал ва ғоявий-сиёсий савиясини систематик равишда ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб берсинлар, аспирантура орқали илмий педагог кадрлар тайёрлашни кенгайтирсинлар ва яхшиласинлар;

— таълим-тарбия муассасаларининг моддий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар кўрсинлар, халқ маорифи объектлари қурилишининг қандай бораётганлиги ва сифати устидан қаттиқ контроллик ўрнатсинлар, бундай объектларни қуриш планларининг бажарилмай қолишига йўл қўймасинлар.

8. Ўқув юртларининг бошланғич партия ташкилотлари маъмурият фаолияти устидан контроллик қилиш ҳуқуқидан тўлиқроқ фойдаланисинлар, таълим, илмий ва тарбиявий ишлар планларининг амалга оширилиши учун, ўқувчиларнинг назарий ва профессионал билим даражаларини ошириш учун коммунистларнинг, барча ўқитувчиларнинг масъулиятини оширсинлар, мактаблардаги, олий ўқув юртларидаги комсомол ташкилотларнинг фаолияти яхшилансин, уларнинг ёшларни ўқитиш ва тарбиялашдаги роли ҳар томонлама оширилсин, корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг ўқув юртларига оталиқ ёрдами кучайтирилсин.

9. Пленум область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига халқ маорифи органларига ва ўқув юртларига раҳбарликни яхшилаш, область, шаҳар ва район халқ маорифи бўлимларининг раҳбар кадрларини, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ва олий ўқув юртларининг раҳбарларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш учун масъулиятни ошириш, бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти устидан контролликни кучайтириш вазифасини юклайди.

10. Болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва тарбиялашда болаларнинг мактабдан ташқари муассасалари роли ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, пленум Узсовпроф билан, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пионер саройлари ва уйларига, ёш техниклар, натуралистлар станцияларига, болалар кутубхоналарига, спорт, рассомлик, музика мактабларига, пионер лагерларига амалий ёрдам кўрсатиш чораларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни топширади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми область, шаҳар ва район партия комитетлари, халқ маорифи органларининг ва ўқув юртларининг бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари даражасини тағин ҳам баланд кўтарадилар, бутун халқ маорифи системасини янада ривожлантириш борасида КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайдилар, деб ишонч билдиради.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ПХР СЕЙМИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

11 октябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Польша Халқ Республикаси сеймининг маршали Станислав Гуцва бошчилигидаги ПХР сейми делегациясини қабул қилди.

Делегация составида — сейм депутатлари: Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПВИП Катовице воёвода комитетининг биринчи секретари З. Грудзень, халқ бирлиги фронти Варшава Комитетининг Раиси Х. Коротиньский, Плоцкдаги нефтьхимия комбинатининг аппаратчиси А. Брах, бинокор-инженер Р. Мачиевская, Польша фанлар академияси адабий тадқиқотлар институтининг директори Т. Скубаль бор эди.

Н. В. Подгорний меҳмонларни самимий табриклаб, ПХР сейми билан СССР Олий Совети ўртасидаги кенг ва самарали алоқаларни таъкидлади. Парламентларнинг ана шу мустаҳкам алоқалари иккала халқ турмушининг ҳамма соҳаларида қардошларча совет-поляк муносабатларининг яққол ифодаси эканлигини Н. В. Подгорний таъкидлаб ўтди.

Станислав Гуцва иззат-икром ва меҳмондўстлик учун СССР Олий Советига делегация аъзолари номидан самимий миннатдорчилик билдирди. Сейм депутатларининг мамлакат бўйлаб қилган сафари деб таъкидлади у, коммунизм қурилишида Совет Иттифоқи юксак муваффақиятларга эришганлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилиш имконини берди.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсатини Польша меҳнаткашлари қизғин табриклаётганликларини Станислав Гуцва таъкидлаб ўтди.

Самимий, дўстона суҳбатда СССР Олий Совети палаталарининг Раислари А. П. Шитиков, Е. С. Насриддинова, СССР Олий Советининг депутати А. П. Кешоков, шунингдек ПХРнинг СССРдаги элчиси З. Новак қатнашдилар.

(ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ГФР МОЛИЯ ДОИРАЛАРИНИНГ НАМОЯНДАСИ К. КЛАЗЕН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 11 октябрда Кремлда ГФР «Дойче-бундесбанк»и президенти К. Клазенни қабул қилди ва у билан дўстона суҳбатлашди. Суҳбат ҳозирги вақтда валюта-молия аҳволига ва Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасидаги савдо ҳамда иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг турли йўналишларига доир масалалар хусусида олиб борилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР давлат банки правлениесининг раиси М. Н. Свешников ва ГФРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси У. Зам иштирок этдилар.

ҚЎРИҚЕРЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мирзачўл ерларини ўзлаштирувчилар КПСС XXIV съезди қарорларни бажара бориб, партиянинг оталарча ғамхўрлигига ва пахтакорлар меҳнатига юксак баҳо берган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шаҳсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг оталарча меҳрибонлигига жавобан давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини муддатидан аввал, 25 иш кунида бажардилар.

Ватан қўриқ ерлардан 250 минг тонна пахта олди. Пахта териш машиналаридан юксак унум билан моҳирона фойдаланилганлиги қўриқдаги совхозлар коллективларининг муваффақиятини ҳал этди, 246 минг тонна пахта ёки териб олинган жами ҳосилнинг 98,5 проценти машиналар бункеридан тўкилди.

«Самарқанд», Ленин номли, «Комсомол», Титов номли, «Октябрь 50 йиллиги», Саркисов номли, Волков номли, Сегизбоев номли, «Тошкент», «Фарғона», Юсупов номли, «Партия XXIV съезди» совхозлари ва хўжалик ҳисобидаги 22,- 22-А, 15-А, 31-, 16-, 2-участкаларнинг коллективлари катта ҳисса қўшдилар.

Халқ хўжалик планини бажаришда Главсредазирсовхозстрой ташкилотлари ва саноат корхоналари катта ёрдам бердилар.

Пахта териш ва топшириш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Чўлқуварлар беш йиллигининг учинчи йилида Ватанга камида 300 минг тонна «оқ олтин» бериш юзасидан олган юксак мажбуриятларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун курашмоқдалар.

МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

* * *

Шаҳрисабз райони пахтаорларининг меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажардилар.

Ватан омборларига 50 минг тоннадан ортиқ биринчи нав пахта топширилди, шу ҳосилнинг 19,3 минг тоннаси машиналарда териб олинди.

Районнинг муваффақиятига «Коммунизм», Ленин номли, Энгельс номли, «Партия XX съезди», «Гулистон» колхозлари катта ҳисса қўшдилар.

Район пахтакорлари деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақанинг кенг авж олдирилиб, ялпи пахта ҳосилини 65 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

* * *

Марҳамат районининг пахтакорлари партия билан ҳукуматнинг доимий ғамхўрлигига жавобан, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун курашиб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини барвақт бажардилар, давлатга 35,1 минг тонна пахта топширдилар. Ҳосилнинг 47 проценти машиналарда териб олинди. Ҳозиргача гектар бошига 28,5 центнер пахта олинди. Ильич номли, «Пахтакор» «Октябрь 50 йиллиги» колхозлари халқ хўжалик планини ошириб бажардилар.

Район деҳқонлари беш йиллигининг учинчи ҳал қилувчи йилида ялпи ҳосилни 42 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

* * *

Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Пахтакор районининг меҳнатчилари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажардилар. Катта хирмонга 36,2 минг тонна пахта топширилди. «Зангори кемалар»нинг бункерларидан 35,5 минг тонна «Оқ олтин» тўнилди.

Районнинг меҳнатдаги ғалабасига жамики ҳосилни машиналарда териб олган «Самарқанд», Кичанов номли, «Пахтакор» совхозлари катта ҳисса қўшдилар.

Район пахтакорлари 50 минг тонналик пахта хирмони учун курашмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

З. Т. ТОИРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали илмий педагогик фаолияти ҳамда юксак малакали пиллачи мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари учун Тошкент қишлоқ хўжалик институти пиллачилик кафедрасининг мудири Зоир Тоирович Тоировга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА

1973 йил, 12 октябрь
Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика савдоси системасида кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва шу соҳанинг моддий-техника базасини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Узмясорибторг» республика конторасининг бошқарувчиси Сирожиддин Ориповга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» фахрий унвонини берди.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

Бангладеш Халқ Республикасининг Совет Иттифоқида ўтказилаётган ўн кунлигида қатнашмоқ учун Тошкентга келган Бангладеш Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Шамсур Раҳмон 12 октябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ИРОҚ МИНИСТРИНИНГ ВИЗИТИ

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Совет—Ироқ шартномасига мувофиқ маслаҳатлашиш учун Ироқ Республикаси Революцион қўмондонлиги кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар министри М. С. А. Боқийнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний қабул қилди.

(ТАСС).

Чет эл янгиликлари

ЯҚИН ШАРҚДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ДАМАШҚ, 12 октябрь. (ТАСС). Кеча тонготаргача ва кунниг биринчи ярмида Сурия-Исроил фронтида шиддатли жанглар давом этди. Тонготар пайтида Исроил қўмондонлиги Сурия қўшинлари илгарилаб бораётган участкаларда ўз резерларини жангга сола бошлади. Бироқ, Исроил қўшинлари Сурия қисмларининг қаттиқ қаршилигига ва кучли ўт очишига дуч келганликлари сабабли муваффақиятга эриша олмадилар.

Сурия ҳарбий қўмондонлигининг маълумотларида айтилишича, Исроил ўз авиациясининг ҳаракатларини кучайтириб, Сурия қўшинларининг жанговар сафларигагина эмас, шу билан бирга Сурия территориясининг ичкарисидаги граждан объектларга ҳам зарба бермоқда. Суриянинг осмон ҳужумидан мудофаа қилувчи ердаги воситалари ва самолётларга қарши курашувчи қирувчи самолётлари жангга кириб, душманга каттагина талофот етказдилар.

Ўтган куни кечаси Исроил ҳарбий кемалари ва катерлари группаси Суриянинг ўрта денгиз соҳилида жойлашган бир қанча граждан объектларини ўққа тутди. Латакия, Бурж-Ислом ва Баниясга ўт ёғдирилди. Греция ниг савдо кемаси шикастланганлиги сабабли ғарқ бўлди. Икки ўртада бошланган жангда Суриянинг қирғоқ артиллерияси Исроилнинг 8 та катерини ғарқ қилди.

Сурия тараққийпарварлар миллий фронти марказий раҳбарлиги баёнот эълон қилиб, Исроил авиацияси тинч объектларни бомбардимон қилаётганлигини кескин қоралади. Исроил ҳарбийлари ана шу жинояткорона ҳаракатлари билан ўзлари фронтда эриша олмаган мақсадларга эришишга уринмоқдалар, деб таъкидланади баёнотда.

ҚОҲИРА, 12 октябрь. (ТАСС). Синай ярим оролида иккала томоннинг танклари ўртасида шиддатли жанглар давом этди. Миср қисмлари душман қўшинлари ва техникасига талофот етказиб, уни шарқ томонга чекинишга мажбур қилдилар. Миср ҳарбий қўмондонлигининг кечаги маълумотларига қараганда, жанглар давом этмоқда.

Қоҳира матбуоти Синай ярим оролидаги жанглар давомида Исроил армияси берган талофотларни маълум қилди. 6 октябрдан бери 107 та самолёт, 230 та танк, 11 та ҳарбий кема яксон қилинди.

ПАРИЖ, 12 октябрь. (ТАСС). Франс пресс агентлиги хабар қилади: Миср қўмондонлиги Сувайш каналининг шарқий соҳилидаги Синай даштида бешта дивизияни, шу жумладан бронетанк дивизияларини жангга солди. Сувайш канали устига ташланган кўприклар орқали қўшинлар узлуксиз таъминланиб турибди. Ана шу алоқа йўлларини узиб қўйиш учун Исроил авиацияси қилган ҳамма уринишлар барбод бўлганлиги таъкидланмоқда.

ЛОНДОН, 12 октябрь. (ТАСС). Исроил раҳбарлари халойиқ ўртасида сўзлаган нутқларида Яқин Шарқдаги ўз сиёсатининг агрессия мақсадларини сурбетларча ошкора тарзда эълон қилмоқдалар. Бош министр Меир телевидение орқали гапириб, «душманга имкони борича кучлироқ зарба беришни ва уни ўт очиш тўхтатилган чизиқнинг нари ёғигача қувиб боришни» талаб қилди, шу тариқа у Исроил агрессия доираларининг бўсқинчилик муддаоларини яна бир карра айтиб берди.

АҚШ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

ВАШИНГТОН, 11 октябрь. (ТАСС). АҚШ вице-президенти С. Агню истеъфога чиқиш тўғрисида ариза берди ва президент бу аризани қабул қилди. Оқ уй вакили шу гапни маълум қилди.

Президент деди Оқ уй вакили, конституцияга мувофиқ вице-президентлик лавозимига номзод излай бошлайди. Янги вице-президент ўз номзодини конгрессинг ҳар иккала палатаси кўпчилик овоз билан маъқуллагач, лавозимини бажаришга киришиши мумкин. Оқ уй вакилининг айтишига кўра, яқин фурсатда Р. Никсон ушбу масала юзасидан конгресс раҳбар арбоблари билан маслаҳатлаша бошлайди.

Илгари хабар берилганидек, Мэриленд штатининг прокуратураси Агню 1968 йилда вице-президент қилиб сайлангунча Балтимор округи маъмурий ижроия органларининг бошлиғи ва Мэриленд штатининг губернатори лавозимларида турган чоғида порахўрлик, товламачилик қилганлиги ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлиги тўғрисида айблар қўйилганлигини тергов қилган эди. Кеча Агню Балтимордаги округ федерал судида ўзини солиқ тўлашдан бўйин товлаган деб қўйилган айблов бўйича айбдор эканлигига иқрор бўлди. 1967 йили кишилардан пул олиб, сўнгра уларнинг Мэриленд штатида фойдали савдо шартномалари тузишига имконият яратганлигини судда айтиб берди.

Агню шартли равишда уч йил қамоқ жазосига ва 10 минг доллар жарима тўлашга ҳукм қилинди. Юстиция министри Э. Ричардсон шартли ҳукм ва истеъфонинг ўзи «етарли жазо чораси» эканлигига асосланиб, фақат шартли ҳукм билангина чекланиш тўғрисида тавсия бергач, суд шундай ҳукм чиқарди.

ПЕКИН ЧИЛИДАГИ ФАШИСТЛАР ХУНТАСИНИ ТАНИДИ

ПЕКИН, 11 октябрь. (ТАСС). Маҳаллий дипломатия доираларида маълум бўлишича, ХХР ташқи ишлар министри Цзи Пэнфэй кеча Чили Республикасининг Хитойдаги элчиси Армандо Урибени ҳузурига чақириб, ХХР ҳукумати уни бундан бўён Чили Республикасининг Хитойдаги элчиси деб ҳисобламаслигини Урибега маълум қилган.

ХХРдаги Чили элчихонасининг ҳарбий хунтага хизмат қилишга тайёрлигини айтган иккинчи секретари Фернандо Перес бундан буён Чилининг Пекиндаги муваққат ишлар вакили бўлади, дейилмоқда.

Бу ерда ўтган ҳафта элчи Армандо Урибе Чилидаги ҳарбий хунтанинг ваҳшиёна ҳаракатларини қоралаб, баёнот бергани Хитойда шундай қарор қабул қилинишига баҳона бўлди, деб таъкидлашмоқда.

Шундай қилиб, маҳаллий дипломатия доираларида айтишларига кўра, Чилида реакцион давлат тўнтаришидан сўнг роппа-роса бир ой ўтгач, Пекин фашистлар ҳарбий хунтасини амалда таниди.

МАККАЖЎХОРИ—ДОН ВА ОЗУҚА

«СИЗЛАРНИНГ БУ ЙИЛ ГЕКТАР БОШИГА 60 ЦЕНТНЕР ВА ЎНДАН ҲАМ КЎПРОҚ МАККАЖЎХОРИ ОЛИШ ТАШАББУСИНГИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА МАЪҚУЛЛАСА АРЗИЙДИ. СУҒОРИЛАДИГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК ШАРОИТИДА СИЗЛАРНИНГ НАВҚИРОН ҚУЛЛАРИНГИЗ БИЛАН ЕТИШТИРИЛАДИГАН МАККАЖЎХОРИ ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ КАТТА РЕЗЕРВИ БЎЛИБ ҚОЛИШИ МУМКИН».

(Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЕШ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН ТАБРИГИДАН).



ЗАРБДОР КУЧ

Республикамизда маккажўхори ва оқжўхори ҳосилини янада кўпайтириш дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резерви ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, республикамизда маккажўхори донининг ялпи ҳосилини 320 минг тоннага етказишга қарор қилинди. 1224 маккажўхорикор комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилиниб, уларга 67 минг гектардан зиёдроқ суғориладиган экин майдони бириктилди, техника воситалари, ишчи кучлари ажратилди. Ҳар бир маккажўхорикор бригада гектаридан камида 60 центнердан дон ҳосили олиш учун курашга бел боғлади.

Республикамиз комсомол ташкилотларида, ёшлар коллективларида бир йилда дон экинларидан икки марта ҳосил олиш, айниқса маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш ҳаракати бошланди. Бир группа комсомол-ёшлар коллективлари ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Ли, Раҳмат Саипов, Тўра Қулсоатов, Абдулҳамид Машарипов сингари маккажўхорикор бригадалар гектаридан 100 центнер ва ундан ҳам ошириб дон етиштириш ташаббусини бошлаб беришди.

Суғориладиган майдонларда дон етиштириш юзасидан комсомол ташкилотлари бошлаган ташаббуснинг муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюроси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик ва Совхозлар министрликлари ҳамда Ўзбекистон касаба союзлари республика совети билан маккажўхорикор комсомол-ёшлар коллективлари ўртасида социалистик мусобақа эълон қилинди. Мусобақада голиб чиққан область, район комсомол ташкилотларига эсдалик байроғи ва пул мукофотлари таъсис этилди.

Ёз бўйи қилинган меҳнатимиз ўз самарасини кўрсатди. Барча майдонларда мўл дон ҳосили етиштирилди. Маккажўхори донини ўриб-йиғиб олишга пухта тайёргарлик ва уюшқоқлик билан киришилди. «Ўзсельхозтехника» Уйчи район бирлашмаси комсомол-ёшлари бошлаган ташаббус оммавий тус олди. Бирлашманинг комбайнчи ва механизаторлари дон ҳосилини тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун бутун куч ва воситаларни ишга солиш, резервлардан фойдаланишда намуна бўлдилар. Бирлашмада махсус механизациялашган отряд тузилди. Уларга техника ёрдами кўрсатувчи кишилар бириктилди. Мавжуд комбайнларни бир жойда марказлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Бирлашманинг бу ташаббусини «Ўзсельхозтехника»нинг 101 район бирлашмаси комсомоллари қўллаб-қувватлади. Натижада республикамиз бўйича комбайнлар билан 70000 тонна дон йиғиштириб олинди. Шеробод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Н. Сафаров, Чимбой районидаги «Майёб» совхозидан Т. Утемурдов каби комбайнчиларнинг ҳар бири 175 тоннадан дон йиғиштириб олди.

Етиштирилган маккажўхори донини қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олишда Андижон, Наманган ва Сурхондарё областларининг ёш деҳқонлари намуна бўлдилар. Улар дон етиштириш бўйича давлат планларини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Андижон областида гектаридан 80 центнердан ошиқроқ, Наманган областида 70 центнердан маккажўхори дони тайёрланди. Чустлик И. Машарипов, норинлик А. Тошматов, андижонлик А. Жумабоев, марҳаматлик А. Тошпонов, деновлик Р. Улашева ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гектаридан 100 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Андижон районидаги Навоий номли колхознинг А. Машарипов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 132 центнердан маккажўхори дони етиштириб, республикада рекорд қўйди. Умуман, республикамизда 134 бригада гектар бошига 80 центнердан ва ундан ҳам ошириб хирмон кўтарди. Шунингдек, Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, областларида ҳам дон етиштиришда яхши натижаларга эришилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизга Халқлар дўстлиги ордени топшириш ва ўтказилган тантанали йиғилишда ҳамда пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган нутқида ёш маккажўхорикорларнинг вазифалари ҳам белгилаб берилди. Бунга жавобан 1974 йилда республикамиз бўйича 130 минг гектар суғориладиган майдонга маккажўхори дон учун экилади. Бу муҳим экинни комсомоллар яна ўз оталиғига олади. Республика бўйича гектаридан ўрта ҳисобда 70 центнердан дон етиштириш мўлжалланмоқда. 2,5 минг маккажўхорикор комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилинади. Силос учун 140 минг гектар ерга маккажўхори экилади. Бу чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришда муҳим омил бўлади, албатта.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг ем-хашак тайёрлашни ўз вақтида ўтказиш ҳамда колхоз ва совхозларни 1973—1974 йил чорва қишловига тайёрлаш тадбирлари тўғрисидаги қарорида бундай дейилади: **«КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишонч билдирадиларки, партия, совет қишлоқ хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, саноат корхоналари озуқа тайёрлашни ҳамда чорва қишловига тайёргарликни уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳамма чораларни кўрадилар ва шу асосда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва ҳарид қилишни анча кўпайтиришни таъминлайдилар».**

Республикамиз комсомол ва ёшлари бу қарорга жавобан, дон етиштиришни кўпайтириш билан бирга, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар. Бу соҳада илғор тажрибалар ҳар томонлама оммалаштирилади, чорвачиликни ва доничликни ривожлантиришда комсомол зарбдор куч бўлиб қолади, албатта.

Т. МЕНГЛИЕВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари.

Қуёшли диёримиз фақат «оқ олтин» Ватани бўлибгина қолмай, дон ва ширали озуқа — маккажўхори ўлкаси ҳамдир. Сиз суратда кўриб турган бу бўлиқ маккажўхори ҳосили республикамиз комсомол-ёшлари томонидан етиштирилган.

И. Глауберзон фотоси.

БУРЧГА САДОҚАТ

Ўтган йили бўлимимизда маккажўхори учун 30 гектар майдон ажратилди. ВЛКСМ аъзоси, ҳамкасб дўстим Ҳасан Қурбонов ва совхоз ишчиси Турсун Болтаевлардан иборат комсомол-ёшлар бригадаси ташкил топди. Маккажўхори учун ажратилган майдон шу пайтгача турли лалми экинлар экиб келинаётган ер эди. Кузда экиндан бўшаган майдонни шудгоҳ қилиб турганимизда, совхоз директори Абдувохид ака Усанов келиб қолди. Директор машинадан тушиб, тўғри шудгор оралади. Ердан бир сиқим тупроқ олдида, мен бошқараётган ҳайдов трактори томон юрди. Трактордан тушиб, директорни қарши олдим. Ўшанда Абдувоҳид аканинг «Тўхтажон, бу ишингни тўхтат, плугни яна беш-олти сантиметр пастга туширгин. Бу лалмикор ерлар. Чуқурроқ ҳайдаш керак. Акс ҳолда, маккажўхори чуқурроқ илдиз отолмайди. Маккажўхори шундай экинки, унинг ерини қанча юмшоқ қилсанг, шунча узоқ илдиз отиб, шунча баланд бўй чўзади. Маккажўхорининг бўйи қанча баланд бўлса, шунча серсўта ва ҳосилдор бўлади», деб қолди.

Ўша йили дон учун ажратилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди. Силос учун экилган 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 450 центнердан кўкпоя етиштирилди.

Эндиликда бригадамиз маккажўхори етиштиришда анчагина тажрибага эга эди. Шу сабабли маккажўхори майдонлари экишга сифатли тайёрланди. Бригадамизнинг ер майдони анча кенгайди. 50 гектар майдонда сули, бугдой, 100 гектар майдонда беда етиштирилди. Тўқкизинчи беш йилликнинг учинчи йилида бригадамиз аъзолари нам меҳнат сарфлаб, озуқабоп экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар. Маккажўхорининг ҳар гектаридан 50 центнердан дон йиғиб-териб олинди. Бугдойнинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 40 центнерни ташкил этди. Бу бизнинг Самарқанд области шароитида рекорд кўрсаткичдир. Янги бедазорнинг ҳар гектаридан 70—80 центнердан беда ўриб олинди.

Бригадамиз комсомол-ёшларининг режалари катта. Биз келгуси йили 30 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштириб, гектаридан камида 100 центнердан ҳосил оламиз. Бугдой хирмонимиз ҳам янада юксак бўлади. Эришилган муваффаниятларимизни янги ғалабалар билан мустаҳкамлаймиз.

Тўхта ИСМАТОВ,
Самарқанд область «Бахмал» совхози маккажўхорикорлар комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи.

БАРАКАЛИ ХИРМОН

Хўжалигимизда чорвачилик ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда чорвачилик ривожланди. Ишлаб чиқаришда комсомоллар ва ёшлар актив иштирок этмоқдалар.

Маккажўхорини экиш, парвариш қилишда бироз тажриба орттирдик. Чунки ҳар йили силосбоп маккажўхори етиштирар эдик. Бу йил эса биринчи марта маккажўхори дони етиштирямиз. Колхозимизда дон ва силосбоп маккажўхори етиштириш бўйича ихтисослаштирилган бригадалар тузилди. Ана шу бригадаларга битта ДТ-54, иккита Т-28 трактори ва бир неча тележка, шунингдек ҳар бир бригадага 8 йигит-қиз бириктилди.

Бобо Каримов, Мадраҳим Ҳамроев бошлиқ бригадаларда ҳар гектар майдондан салкам 400 центнердан силосбоп кўкпоя етиштирилди. 2700 тонна силос бостириб, планимизни ошириб бажардик.

Бригадамиз аъзолари 53 гектар майдонга маккажўхори экдилар. Унинг ҳар бир тупини ардоқлаб парвариш қилдик. Агротехника тадбирлари асосида озиқлантирдик. Суғордик, культивация қилдик. Бу ишда колхозчилардан М. Раззоқов, Р. Кенжаева, механизаторлардан А. Қутлимуродовларнинг улуши катта бўлди.

Йил бошида гектаридан 60 центнердан дон етиштиришга қарор қилган эдик. Ҳозир эса ҳар гектар майдонда етиштирган донимиз 90 центнердан ошди.

Бригадамиз аъзолари келаси йил мўл ҳосилга тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Ерларни шудгорлаш, маҳаллий ўғит жамғариш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Биз келаси йили ҳар гектар майдондан камида 100 центнердан маккажўхори дони етиштиришни мўлжалламоқдамиз.

Болтабой РАҲИМОВ,
Тўрткўл районидаги Ленин номли колхознинг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

МЕҲНАТ САМАРАСИ

Колхозимизда алоҳида маккажўхорикорлик бригадаси ташкил этилган. Унга Ҳасан Абдиев бошчилик қилади. Комсомол-ёшлардан иборат бу бригада механизацияга таяниб, ҳосилдорликни тобора оширмоқда. Давлатга кўп маккажўхори дони етказиб бермоқда ва чорва зотини йил сайин яхшилаяпмиз.

Бригада аъзолари бу йил янги маррани кўзлаб иш тутдилар. Улар республика ёш маккажўхорикорларининг кенгаши ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг кенгаш қатнашчиларига йўллаган табрик хатидан руҳланиб, юқори ҳосил етиштирдилар. Дон учун экилган 30 гектар ердаги маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан 113,1 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Мажбуриятдаги 330 тонна ўрнига 340 тонна маккажўхори дони топширдилар. Давлатга дон сотиш планини икки баравардан зиёдроқ қилиб адо этдилар. Келгуси йил уруғлигини тўла жамғариб қўйдилар.

Дон ва озуқа учун ҳам экилган маккажўхори экини колхознинг алмашлаб экиш схемаси асосида жойлаштирилди. Ҳамма майдонда маккажўхори беда билан аралаштириб экилди. Бу йилги дон учун 30 гектар ва силос учун ажратилган 53 гектар маккажўхори ҳам худди шундай усулда экилган эди. Дон майдонининг ҳар гектарида 47-50 минг туп, силос учун ажратилган карталарнинг ҳар гектарида 55-60 минг тупдан маккажўхори ўстирилди. Қатор оралари уч марта культивация қилинди. Беш марта суғорилди.

Гектаридан 600 центнердан кўкпоя етиштириш мажбурияти шараф билан бажарилди. Ҳар йилдагидан кўп миқдорда силос бостирилди. Хўжалигимизда 60 гектар ерга кузги арпа экилган эди. Май ойининг охириданоқ ана шу майдондаги арпанинг ҳаммаси ўриб-йиғиб олинди, дарҳол ўрнига такрорий экин, шу жумладан 29 гектарга маккажўхори экилди. Комсомол-ёшлар бригадаси арпа ўрнига экилган шу маккажўхорининг ҳар гектаридан 500 центнердан ошириб силосбоп кўкпоя олди.

Ҳар йили сигирлар учун силос жамғараётганлигимиз туфайли хўжалигимизда сут етиштириш ошяпти. Гўшт етиштириш кўпайяпти. Биз бултургига нисбатан сигир бошига сут етиштиришни анча кўпайтирдик. Йиллик гўшт харид қилишни бажардик. Сигирлардан бузоқ олишда ҳам яхши натижага эришдик. Шу туфайли чорвачиликни ривожлантириб, сигирлар зотини йил сайин яхшилапмиз.

Шамси НАЗАРОВ,
Самарқанд область, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг ранси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

Бу йил республикамиз бўйича 67 минг гектар майдонга дон учун маккажўхори экилиб, 320 минг тонна дон етиштириш кўзда тутилмоқда. Шу кунгача 280 минг тоннадан зиёд маккажўхори дони тайёрланди.

●

Силос учун 117 минг гектар ерга экилган маккажўхори майдонидан 3 миллион 257 минг тонна силос бостирилди.

●

Республика областларида 1224 маккажўхорикор комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилинди.

●

134 ёшлар коллективи гектаридан 80 центнердан ошириб маккажўхори дони етиштирди.

●

1974 йилда республикамизда 130 минг гектар майдонга дон учун, 140 минг гектар ерга силос учун маккажўхори экилади.

●

2,5 минг маккажўхорикор комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилинади.

ДОН ДАВЛАТГА

Республика областларида мак кажўхори дони ва шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 12 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — ўрилган маккажўхори (топширилган процент ҳисобида); учинчи стун — топширилган маккажўхори дони (топширилган нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи стун — ўрилган шоли (планга нисбатан процент ҳисобида); бешинчи стун — топширилган шоли (топширилган нисбатан процент ҳисобида).

Самарқанд	63,4	102,3	92,7	50,7
Хоразм	62,2	101,6	86,7	65,1
Тошкент	65,4	101,3	74,7	42,9
ҚҚ АССР	56,3*)	100,4	51,2	49,9
Сирдарё	68,9	100,1	52,3	28,9
Сурхондарё	100,0	100,0	64,8	71,1
Андижон	99,0	100,0	73,4	68,3
Қашқадарё	94,8	100,0	планда белгиланмаган	
Наманган	76,3	100,0	63,2	53,1
Фарғона	48,0*)	100,0	60,4	48,5
Бухоро	73,0	98,2	планда белгиланмаган	
Республика бўйича:	72,4	100,3	62,0	50,8

*) Маълумот аниқланган.

Республикамиз ёш маккажўхорикорларига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кенгаш қатнашчиларига йўллаган табригига жавобан, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Суратларда: донгдор маккажўхорикор комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиқлари: (юқоридан пастга) Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Ли, Бухоро районидаги «Пахтакор» колхозидан Неъмат Асадов, Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозидан Шокир Аҳмедов, Шофирқон районидаги «Ленинобод» колхозидан Абдували Каримов, Андижон районидаги «Октябрь» колхозидан Тўланбой Турсунов ўртоқларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотолари.

ЎТЛИ ЮРАКЛАР

Олтин ранг тусга кирган дарахтларнинг учига нур қўнди, бир пастда теварак-атроф шуълаланди. Пойтахт кўчаларида ҳаёт оқими, одамлар тўлқини бошланди. Ҳамма ўз ташвиши, эртанинг ишки билан ишга ошиқади. Тошкентнинг бугунги куни, таровати, ундаги ҳаёт нафаси нақадар гаштли: Фарғона латофати, Андижон малоҳати, Наманган таровати, Сурхон шижоати, Самарқанд нафосати, Аму ҳарорати ва Мирзачўл саховати мужассам бунда. Бунинг боиси нимада ўзи? Узоқ-яқин шаҳар-у қишлоқларнинг ўзига хос мўъжизалари бу ерда жамланганмикан?

Худди шундай! Кеча пойтахтимизга республикамиз областларидан миришкор бободеҳқонларимизнинг азиз фарзандлари — ер илмини пухта эгаллаган донгдор йигит ва қизлар келишган эди. Бугун уларнинг катта анжумани бўлади бу ерда. Улар — республика ёш маккажўхорикорлари слёти қатнашчилари. Шу йил март ойида ўтказилган мана шундай анжуманда ёшлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кенгаш қатнашчиларига йўллаган табригига жавобан, дончиликни ривожлантириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган янги мажбуриятлар олишган эди. Бугун комсомол-ёшлар ана шу анжуманда ваъдага қандай вафо қилганликлари — ўзларининг бу соҳадаги иш тажрибаларини атрофлича ўртоқлашадилар. Келгуси йил мўл ҳосили етиштириш юзасидан янги марраларни, ёрқин уфқларни белгилаб оладилар.

Мана, улар меҳмонхоналардан чиқиб, слётга ошиқмоқдалар. Қувонч билан уларга бир-бир назар ташлаймиз, танишамиз. Кенгаш қатнашчилари орасида залга ошиқаётган мана бу йигит Чуст районидаги «Савай» совхозидан Лутфиддин Сайфуддинов, Денов районидаги Жданов номли колхоздан Розия Улашева, Шаҳрисабз районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Мейли Жавонов, Ленинград районидаги «Партия XX съезди» колхозидан Абдужалил Ҳасанов сингари 134 бригада гектаридан 100 центнердан ошириб дон етиштирди. Уларнинг сафида Фарғона область, Киров районидан келган делегатлар ҳам бор. Республикамизнинг улкан дон хирмонига районда тузилган 20 комсомол-ёшлар коллективи 655 гектар майдондан 4624 тонна дон етиштириш билан ҳисса қўшди. Улар орасида Киров номли совхознинг «Ленинизм» бўлимидан Каримжон Эргашев бошлиқ бригаданинг комсомол ва ёшлари байроқдор бўлишди. 58 гектар майдондан 120 центнердан маккажўхори дони уйдилар. Бундай пешқадам бригадалар райондаги «Бешариқ» совхозида ҳам кўплаб топилади.

Республикамизда ташкил қилинган 1224 ёшлар коллективи 67 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳозиргача 280 минг тонна маккажўхори дони етиштириб, Ватан омборига топширдилар. Бундан ташқари, силос учун экилган бир неча минг гектар ердаги маккажўхори майдонидан чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базаси яратилди. Ҳа, маккажўхори ҳам дон, ҳам чорвачиликда тўйимли озуқа. Бу — дастурхонимизни безаб турган мўл-кўл гўшт, серқаймоқ сут, ёғ дегани!

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ёш маккажўхорикорларининг республика кенгаши қатнашчиларига йўллаган табригида **«Дон экинларни ва айниқса маккажўхори экилган майдонларни кенгайтириш борасида республикамизда олиб борилаётган иш ва бунинг устига ҳосилнинг кўпайтирилиши 1973 йил учун олинган мажбуриятларни тўла ва ошириб бажарилишининг гарови бўла олади»** деган эди. Шундай бўлди! Бу соҳада бугун яна янги марралар белгилаб олинади. Кенгаш қатнашчиларининг тутган қилаётган ўтли қалбларида шу орзу, шу мақсад жўш ураётир.

А. АҲМЕДОВ.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ БАЙРАМИ

Совет Иттифоқида Бангладеш Халқ Республикасининг ўн кунлиги Ўзбекистон пойтахтидан бошланди. Планетамиздаги барча соф виждонли кишилар бу ёш мустақил давлат туғилганлигини хурсандлик билан кутиб олганликлари ҳаммага маълум. Тошкент кўчалари ва биноларидаги транспарантларда шу ёш давлат меҳнатчиларига самимий табрик сўзлари ёзилган.

Ўн кунлик тантаналарида қатнашиш учун меҳмондўст ўзбеклар диёрига келган дўст мамлакат вакилларини шаҳар жамоатчилиги қушнудлик билан кутиб олди.

12 октябрь кечқурун «Билим» уйида ўн кунликни тантанали очиш маросими бўлиб ўтди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг Раиси Х. С. Шукурова, «СССР—Бангладеш» дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими раисининг ўринбосари Н. В. Бўриҳўжаев ҳамда жамоатчиликнинг бошқа вакиллари сўзга чиқиб, эрксевар Бангладеш халқининг тинчлик ва тараққиёт учун курашдаги муваффақиятлари тўғрисида мамнуният билан гапирдилар. Бангладеш республикаси билан дўстлик муносабатлари ўрнатилганлиги, — дейишди нотиқлар: — Совет давлати ленинча ташқи сиёсатининг доимийлигини, КПСС XXIV съезди белгилаб берган Тинчлик программаси муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлигини кўрсатувчи далилларнинг биридир. Совет Иттифоқи билан Осиёда янги турмуш қуриш йўлига кириб олган ёш давлат ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш ишига Ўзбекистон муносиб ҳисса қўшаётганлиги бутун республика жамоатчилигини фахрлантирмоқда.

Мажлис аҳли Бангладеш Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Шамсур Раҳмонинг нутқини қарсаклар билан кутиб олди. У ўн кунликнинг аҳамиятига юксак баҳо берди. Бангладешга ўзларининг эзгу ҳисларини изҳор этаётган Ўзбекистон меҳнаткашларига, барча совет кишиларига қизғин ташаккур айтди.

Ўн кунликни очиш тантанали маросимидан сўнг навбат Бангладешнинг санъат усталарига берилди. Улар йиғилиш қатнашчиларига Бангладеш халқининг қўшиқ ва рақсларини тухфа қилдилар.

Ўн кунлик давомида тошкентликлар Бангладеш Халқ Республикасининг ҳаётини акс эттирувчи турли виставкалар билан танишадилар. Бангладешнинг санъат арбоблари билан учрашадилар. Дўст давлат вакиллари республика бўйлаб саёҳат қиладилар. (ЎзТАГ).

ДУГОНАЛАР.

А. Тўраев фотоэтюди.

Чашмали тоғлар бағрида

ОРОМГОҲ

— Қор жуда эрта тушди-да, — дейди шофёр йигит машинага газ беракан. Олдинда ўтирганлар ҳам афсуслангандай бош қимирлатишди. Уларнинг хомуш харакатларини зимдан кузатиб кетаётган отахон оппоқ соқолини тутамлаб гап ташлади.

— Ҳали нима бўпти? Энди октябрь. Ойбоши бу. Ҳаво юришиб кетади.

Автобус тик йўлдан инграб кўтарилди. Пастликка елиб борар эканмиз, қария ўзича гўдулраб қўйди: «Тунда совуқ бўлмасайди. Ҳосил йиғиш ҳали охирламовди...». Машина тўхтади. Манзилдаги чойхонда ҳам суҳбат шу хусусда эди. Аммо тоғ ҳавоси эмасми, тонг қўйнли келди. Қорли чўққи томондан оқ паға-паға булутлараро зарин нур таралди. Ҳали саргаймаган барглар, бўғот ва деворлардаги мўмиқ қор изсиз йўқолди. Асфальт кўчалар, тунука томлардан ғубор кўтарилиб, қуриди-қолди. Кўнгли ёришган соҳибкор яна ишком оралади.

Кун ёйилганда бир гуруҳ бўлиб, тоққа кўтарилдик. Чамаси ўч терак баланддан қишлоқ нафтдек кўринади. Сўқоқнинг кўркам жамоли кишини ром эта бошлайди. Кечаги булутли дилхира манзарадан асар қолмабди. Гўё табиат ўз борлигини кўз-кўз қиларди. Тоғ қиқтида тутиб турган қишлоқ яшилга бурканган. Токзорлар, ишкомлар аймоқидек бир-бирига уланиб кетгандай. Олисдан қирлар, адирлар, мевали боғлар кўзга ташланади. Оромбахш шабада ўт-ўланлар хидини думоққа уради. Нафас олганинг сари руҳинг енгил тортади.

— Ҳавас билан кузатишингиздан бу ерларга энди келган кўринасиз, — гап қотади қорачадан келган очиқ чеҳрали йигит. — Сўқоқнинг ҳузурини бир тортган киши яна қумсайди, дейишади. Бу бежиз эмас. Мана, неча йиллардирки, Тошкентнинг Бўкасидан бир келишим бор (у ўзини Усмонжон деб таништирди). Мен-ку яқин ердан. «Қоялар қўйнидаги масканга борсам, чашма сувидан тўйиб сипқорсам» дегувчилар оз дейсизми. Республикамизнинг олис қишлоқларидан келишади. Фикримизни шу даврдагиларнинг қаердан экани ҳам тасдиқлайди. Марҳамат, Аҳмаджон, Раҳмонов — Андижондан, Омонбой Қозоқбоев — Самарқанддан, Ира Финг — Навоий шаҳридан, Ҳикмат Раҳимов — тошкентлик. Каминалари-чи? — тикилди Усмонжон менга. «Бекободданман», жавоб қилдим. — Ана, кўрдингизми... енгил кулги кўтарилди.

Сўқоқ бўйлаб юқори кўтарила бордик. Енгқозор, ўриқзорлар тоғ бағрига ястанган. Олмалар ҳам узилмаганди. Қияликда арча ва қайинзорлар сафлангандай, наъматагу, олчаларни айтмайсизми! Барглар юзида гард йўқ. Ҳавонинг соф-лигини кўринг. Хўш, бу ернинг нимаси Кавказдан қолишади. Кузда ҳам баҳор нафаси уфуради-я. Баландда қўй-қузилар ўрмалайди. Зилол сув шилдираб пастга оқиқади.

Сой бўйида чойхоначи Хошимжон ака бизга пешвоз чиқди:

— Қани, меҳмонлар, марҳамат қилинглар. Хуштаъм кўк чойимиз бор.

У аввал қўш чойнакда чой келтирди. Кейин паднис тўла узумни тоғликларга хос илтифот билан ўртага қўйди-да: «Бизда олхўри шундай битади» деб хазиллашди. Дарвоқе, меванинг қизили олхўрига қиёс қилгулик эди.

— Қарсиллашини кўряпсизми, — шинавандалик қилади чойхоначи. Суқоқликлар ҳам шу билан тирик. Дўхтирлар айтмоқчи глюкоза-да! Қишлоғимизнинг баҳоси йўқ деверинг. Одамларимиз меҳнаткаш. Англашимча, аҳоли сони ҳам олти мингга етиб қолди чоғи. Ахир, ўзимда 9 нафари саф тортгандан кейин... Кулишдик. Узр сўраб, оромгоҳга ўтмоқчи эканимизни айтдик.

— Шонримизнинг ҳузурларигами, хўп-хўп.

Биз тушунмасдан Хошимжон акага қарадик.

— «Сўқоқ» дам олиш уйининг директорига учрашасизлар-да!

— Ҳа-ҳа, — дедик бир оғиздан.

— Ўша киши, Ориф Одилхонов ўзимизнинг маҳаллий шонрлардан. Ахир унинг шеър, ғазалларидан баҳрамандмиз.

Сойнинг нариги юзи оромгоҳ. Қўш қаватли, пешайвонли икки корпус биноси дарахтлар қуршовида. Сўлим қиёбонинг икки четида бўйдор мирзатераклар саф тортган. Гулзорлар миришкорнинг қўлида тартиб топган кўринади. Суҳбатхоналар, арғимчоқ-скамейкалар дам олувчилар билан банд. Спорт майдони гавжум. Одилхоновни ошхонада учратдик. Навбатдаги тушлик — овқатлантириш тартиби билан танишаётган экан.

— Бош ошпазимиз, — деди у оқ халатли аёлни кўрсатаркан — Мўмина Аблязова. 20 йилдирки мазали таомлар тайёрлаш билан эътибор қозониб келяптилар. Овқатинг тотли бўлмаса, ҳордиқ чиқариш ҳам татимайди.

Ташқарига чиқдик. Директор бизга ошхона зали, ётоқ хоналарини кўришни таклиф этди. Овқатхона дид билан безатилган. Покиза ва файзли. Юқорида дам олиш бургачи, томошахона ҳамда ётоқхоналар жойлашган. Ҳамма ерда юмшоқ ўриндиқ ва каравотлар. Ёшлар шахмат-шашка донаси суради, китоб ўқийди, телевизор томоша қилади.

— Буни ҳар ўн кунда бир варақлаб чиқаман, — дейди Одилхонов боятдан бери қўлидан қўймай юрган китобни кўрсатиб. — Чунки бизга бериладиган баҳо шунда ўз аксини топади. Мақсадимиз — дам олувчиларни мамнун этиш.

Таклиф ва мулоҳазалар китобини кўриб чиқдик. Директор: «Ютуқларимиз кўзгуси» деганича бор экан. Турли даврларда дам олганлар: «Сўқоқ — рассом мўй каламидан чиққан жонли манзара», «Бу ерда иштаҳанга-иштаҳа қўшилади. Шунга яраша тайёрланган таомлар тўйимли ва сифатли», «Офицантидан тортиб, боғбонигача меҳрибон, дилкаш, меҳмондўстликда парвона» деб ёзишибди.

Меҳнаткашларнинг бундай меҳрини қозонишда сидқидилдан меҳнат қилаётган жисмоний тарбия раҳбари Д. Тоғибоев, ходимлар Р. Халилова, У. Жабборова, Э. Иброхимова, қолаверса 80 кишилик коллектив аъзоси ўзига яраша ҳисса қўшиб келмоқда.

— Сўқоққа тоғу-тошлар қор кўрпа ёпганда келинг, — деди Одилхонов бизни кузатаркан, — Наврўзи олам адирқиялиқларга лола гилам тўшаганда кутамиз. Чанги, чана, қорбўрон ўйнашнинг ўз завқи бўлганидек, лола сайилининг ҳам гашти бўлакча.

Кеч кирганди. Автобус олислаб кетган бўлса ҳам денгиз сатҳидан 1200 метр баландаги «Сўқоқ» дам олиш уйи чироқлари тоғдаги машъалдек порлаб турарди.

И. СОЛИЖОНОВ.
врач-терапевт, дам олувчи.

СПОРТ

БАРВАҚТ ТАЪМИНЛАНГАН ҒАЛАБА

Ёшлар ўртасида мамлакат кубоги учун Тошкентда давом этаётган турнир боксчи ишкибозларида яхши таассурот қолдирмоқда. Навбатдаги учрашувларда Украина ва Белоруссия командалари куч синашдилар. Украина боксчилари 19:14 ҳисобида ғолиб чиқдилар. РСФСР ва Қозоғистон ёш боксчиларининг кураши 15:8 ҳисобида тугади.

Илгари хабар қилинганидек, Тошкентдаги ёш боксчилар турнирида командалар икки кичик группага бўлинган ҳолда мусобақалашмоқдалар. Биринчи кичик группа ғолиби Украина ва Қозоғистон терма командалари ўйинининг пешқадами бўлади. Иккинчи кичик группада ғолиб барвакт аниқланди. Бу, кетма-кет ғалаба қозонаётган Ўзбекистон терма командасидир. Тошкентлик Муллаев, Пак, Сергеевлар тенгқурлари билан учрашувларда ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар.

Мусобақалар давом этяпти.

Николай Сидорович СТРОЙЧУК

1928 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Николай Сидорович Стройчук узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1973 йил 11 октябрда вафот этди.

Н. С. Стройчук 1906 йилда Брест областининг Черняни қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини илк болалик чоғларидан батрак бўлиб ишлашдан бошлади.

1930 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультетини тамомлагач, Ўрта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим, шундан кейин эса, Ўзбекшёлкотрест бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Н. С. Стройчук 1940 йилдан 1945 йилгача партия органларида — Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими инструктори, Тошкент область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири, Ўзбекистон КП(б) Янгийўл район комитетининг иккинчи секретари, Ўзбекистон КП(б) Тошкент область комитетининг учинчи секретари бўлиб ишлайди.

1945 йилда ССР Иттифоқи техника экинлари халқ комиссариати пиллачилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1946 йилнинг декабрь ойида Ўзбекшёлкотрестнинг бошқарувчиси, 1953 йилда эса Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги пиллачилик бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланади.

1954 йилда Н. С. Стройчук меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг секретари этиб сайланади. 1956 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон ССР молия министрининг ўринбосари лавозимига тасдиқланади.

Н. С. Стройчук пенсияда бўлган чоғида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бош пиллачилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлашни давом эттирди.

Партия Н. С. Стройчукни қаерга юборса, у ҳамма иш участкаларида принципиал раҳбар, яхши ташкилотчи, серғайрат ва меҳрибон ўртоқ эканлигини кўрсатди. У республика халқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда кўп ишлар қилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Н. С. Стройчукнинг хизматларига юксак баҳо бериб, уни икки марта «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва «Улуг Ватан уруши давридаги шижоатли меҳнати учун» медали билан мукофотладилар.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди Николай Сидорович Стройчукнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

Редактор ўринбосари
Ҳ. ЕДГОРОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

15 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.35 — ТОШКЕНТ. Телефильм. 18.55 — Совет Армияси жангчилари учун. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — МОСКВА. 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — «АХБОРОТ». 20.50 — Х. Нуъмон, А. Шорахмедов. Ота (телеспектаклнинг 3-қисми). 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. «Чашма» телевизион конкурси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 19.30 — ТОШКЕНТ. Кинокўрсатув. 20.20 — Л. Тимофеев ва чалади. 20.30 — Инженер Горининг инкирози (бадиий фильмнинг 1. серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 22.20 — Реклама ва эълонлар. 22.30 — МОСКВА. Концерт. 23.15 — Хоккей: ЦСКА — «ТРАКТОР» (Челябинск). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

16 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телефильм. 18.55 — Телевизион қўғирчоқ театри. 19.25 — «АХБОРОТ». 19.40 — Концерт. 20.10 — Оламда нима гап? 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — «АХБОРОТ». 21.00 — Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. Беш йилликнинг учинчи йили. 22.50 — Маншук ҳақида қўшиқ (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.40 — ТОШКЕНТ. «Звездочка». 12.25 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Денгиз овчиси (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Азимут» 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ.

17 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Қизил галстук. 18.30 — МОСКВА. Хоккей: «Крылья Советов» — «Динамо». 19.40 — ТОШКЕНТ. «АХБОРОТ». 19.55 — Ўн минут музика. 20.05 — «АХБОРОТ». 20.25 — Отажон Худойшукуров куйлайди. 21.00 — Осиё мамлакатлари музикачиларининг халқаро минбари. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. Сурхондарё области пахтакорлари меҳнат вахтасида. 22.50 — Соялар чоштохда йўқолади (бадиий фильмнинг 4- серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Телефильм. 11.40 — Кўр музиканча (бадиий фильм). 17.45 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. Телевизион бадиий фильм. 19.35 — Реклама ва эълонлар. 19.40 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Врач маслаҳати. 22.10 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатувлари. 20.40 — Тошкент шаҳри ва Тошкент области меҳнаткашлари учун телевизион программа. 21.00 — Бир йигит ҳаётидан тўрт саҳифа (бадиий фильм).

18 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.40 — ТОШКЕНТ. 18.45 — Мультфильм. 18.55 — «Коммунист» программаси. 19.25 — «АХБОРОТ». 19.40 — МОСКВА. 20.10 — ТОШКЕНТ. Адабий учрашув. Гафур Ғулом. 20.55 — «АХБОРОТ». 21.15 — Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Хоккей: «СПАРТАК» (Москва) — ЦСКА. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Мультфильм. 11.40 — Диққат, тошбақа (бадиий фильм). 18.40 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Мардлик-мангулик. 22.30 — Жиноят-кидирув инспектори (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Нина (бадиий фильм). 20.50 — Балет кечаси. 21.30 — Юксаклиқда (бадиий фильм). 21.50 — Телеспектакль.

19 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўйлаб топ. 19.00 — Бадиий ҳаваскорларнинг концерти. 19.30 — «АХБОРОТ». 19.45 — Оламга саёҳат. 20.40 — «АХБОРОТ». 21.00 — Ўн минут музика. 21.10 — Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари. 21.25 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт» 22.30 — ТОШКЕНТ. Киножурнал. 22.40 — Ғалабадан сўнгги жанг (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 12.00 — Тонгни қаршилаб (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Инсон ва қонун. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Бу воқеа разведкада бўлган эди (бадиий фильм). 20.45 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 21.15 — Ҳужжатли фильмлар экрани.

20 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.40 — ТОШКЕНТ. 9.45 — Янгиликлар. 9.55 — «Оқ олтин» мадҳи. 10.20 — Телеминиатюралар театри. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Колокольчик». 11.40 — «Здоровье» программаси. 12.10 — Спорт программаси. 13.00 — Беш йиллик қурилишларида. 13.30 — Концерт. 14.05 — Фан ва маданиятнинг муҳим масалалари. 14.35 — Ҳайвонот оламида. 15.30 — Изланиш (телевизион журнали). 16.00 — Концерт. 16.35 — Мультфильмлар программаси. 17.00 — Н. Кондратюк куйлайди. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — «Гулько-Бамбулько» (мультфильмнинг 4-5 сериялари). 18.15 — Бойчечак. 18.45 — «АХБОРОТ». 19.00 — МОСКВА. ФУТБОЛ: «ДИНАМО» (Москва) — «ТОРПЕДО» (Москва). 14.45 — ТОШКЕНТ. Отлар сўзи — аждоднинг кўзи. 20.35 — «АХБОРОТ». 20.55 — Пахтакорлар байрами олди вахтасида. 21.10 — Пахтакорлар талабларига мувофиқ концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. Диққат, старт!а. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.00 — МОСКВА. Капитан қизи (бадиий фильм). 15.40 Ота-оналар, сизлар учун! 16.10 — Рақс байрами. 17.40 — Музикали киоск. 18.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.10 — ТОШКЕНТ. 19.10 — Спорт кўрсатуви. 19.40 — МОСКВА «Спортлото» тиражи. 20.00 — Концерт. 20.50 — Спектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. Реклама. 22.20 — Бензаколонка малакаси (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

21 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45 — ТОШКЕНТ. 9.50 — Янгиликлар. 10.00 — Қўғирчоқ фильм. 10.20 — Сенинг 16 ёшинг (театрнинг 1. қисми). 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Будильник. 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Қишлоқ янгиликлари. 13.40 — Бугун — озиқ-овқат саноати ходимлари куни. 14.00 — ТОШКЕНТ. 14.05 — Концерт. 15.00 — ФУТБОЛ: «ПАХТАКОР» (ТОШКЕНТ) — «ЗЕНИТ» (Ленинград). 17.00 — Соялар чоштохда йўқолади (бадиий фильмнинг 5-сериясы). 18.00 — «АХБОРОТ». 18.15 — Бугун — Озиқ-овқат ходимлари куни. 18.30 — Телеминиатюралар театри (такрорий кўрсатув). 19.10 — МОСКВА. Халқаро панорама. 19.40 — ТОШКЕНТ. Наби Ҳаврий «Қўёш синглиси». 20.10 — «АХБОРОТ». 20.30 — ЧАШМА. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — «13 стул» телеминиатюралар театри. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.00 — МОСКВА. Капитан қизи (бадиий фильм). 15.40 Ота-оналар, сизлар учун! 16.10 — Рақс байрами. 17.40 — Музикали киоск. 18.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.10 — ТОШКЕНТ. 19.10 — Спорт кўрсатуви. 19.40 — МОСКВА «Спортлото» тиражи. 20.00 — Концерт. 20.50 — Спектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. Реклама. 22.20 — Бензаколонка малакаси (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.50 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.30 — Экран ҳандаси. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Мультфильмлар. 12.05 — «Совет олимлари тинчлик учун курашда». 12.35 — **Футбол. «Черноморец»** (Одесса) — **«Нистру»** (Кишинев). (2-тайм). 13.30 Концерт. 14.15 — «Ота-оналар сизлар учун». 14.45 — Рақс ҳаёти. 15.30 — «Здоровье». 16.00 — Ўтмиш киноленталари. 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.35 — Мультфильм. 18.00 — Музикали программа. 18.30 — Аҳолига кўплаб маҳсулотлар. 19.00 — Ахборот. 19.15 — МОСКВА. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 20.00 — ТОШКЕНТ. Экран куйлари. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Қизлар давраси. 22.00 — МОСКВА. «Вақт» 22.30 — ТОШКЕНТ. **Соялар чоштохда йўқолади** (бадиий фильмнинг 2-сериясы). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 13.00 — **Ота** (бадиий фильм). 17.30 — МОСКВА. Телеочерк. 18.00 — Музикали учрашувлар. 18.30 — **Хоккей: «Динамо»** (Москва). — **«Торпедо»** (Горький). 19.15 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик». 19.45 — Реклама ва эълонлар. 20.00 — МОСКВА. «Концерт залида» 20.45 — Телевизион бадиий фильм. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/X да **Севги тумори**, 14/X — **Этик нийган мушук** (кундузги), **Золушка** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/X да **Ҳалима**, 14/X да **Қонли тўй**, 15/X да **Тоғ гўзали**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/X да **Беш кунлик нуёв**, 14/X да **Ойдин** (кундуз соат 12 да), **Қачонгача мой ёнсан** (кеч соат 7 яримда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Иван АНИСИМОВ** раҳбарлигидаги ўрғатилган айиқлар аттрационининг **ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ.**

КИНО

Мен — Шаповалов — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА НОМЛИ «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Угай она — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Оцеола — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛ ЛИГИ» (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ

1973-74 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли кучлари сафида хизматларини ўтаб бўлганлар шу ташкилотларнинг йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар, йўлланма берган ташкилотда камида 1 йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан (архитектура факультетидан ташқари) физика ва математика фанидан, химия технология факультети учун қўшимча химия фанидан суҳбат ўтказилади ва ким суҳбатнинг натижаларига қараб қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент политехника институти кундузги бўлимининг 1. курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (286-форма), олтита фотосурат (3х4 см).

ҲУЖЖАТЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар билан бўладиган суҳбат 25 ноябргача ўтказилади.

ЎҚИШ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ 8 ОЙ.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎРТА МАКТАБНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИ 1973 ЙИЛДА ТУГАТГАНЛАР МЕҲНАТ СТАЖИ БЎЛСА ҲАМ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шайхантаур кўчаси, 10-уй, 16-хона, Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Б—242. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02752